



210100, O‘zbekiston Respublikasi, Navoiy viloyati, Navoiy shahar, Inspektorlar ko‘chasi, 7-uy

2024 yil “11” 06 № 238

## BUYRUQ

**“Навоийуран” давлат корхонасининг 2023 йил 29 ноябрдаги “Навоийуран” давлат корхонаси томонидан амалга ошириладиган давлат харидларига оид ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 351-сонли буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги “2022-2030 йилларда “Навоийуран” давлат корхонасида урани қазиб олиш, қайта ишлаш ҳажмларини ошириш ҳамда уни трансформация қилиш чоратадбирлари тўғрисидаги ПҚ-319-сон Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Навоийуран” давлат корхонаси Муассисининг 2024 йил 29 январдаги “Корхонанинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 3-сонли қарорига мувофиқ

## БУЮРАМАН

1. “Навоийуран” давлат корхонаси Муассисининг 2024 йил 29 январдаги “Корхонанинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 3-сонли қарорига мувофиқ корхонанинг 2023 йил 29 ноябрь ойидаги 351-сонли буйруғи билан тасдиқланган **иккинчи, учинчи ва тўртинчи** иловалари янги тахрирда, яъни:

- Корхона харид комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низом **2-иловага**;

- Корхона давлат харидларини энг яхши таклифларни танлаш ва тендер орқали амалга ошириш бўйича **товар моддий бойликлар** харид комиссияси таркиби **3-иловага**;

- Корхона давлат харидларини энг яхши таклифларни танлаш ва тендер орқали амалга ошириш бўйича **иш, хизматлар** харид комиссияси таркиби **3.1-иловага**;

- Корхона **иш, хизматлар** харидларини электрон дўкон, электрон кооперация портали биржа савдолари орқали ва тўғридан-тўғри амалга ошириш бўйича харид гуруҳи аъзолари таркиби **3.2-иловага**;

- Корхона **товар моддий бойликлар** харидларини электрон дўкон, аукцион, электрон кооперация портали ва юкори ликвидли ҳамда монопол товарларни биржа савдолари орқали ва тўғридан-тўғри амалга ошириш бўйича харид гуруҳи аъзолари таркиби **3.3-иловага**;

- Корхона бўйича таклифларнинг **техник қисмини кўриб чиқиш ва техник хулосаларни расмийлаштириш** учун тегишли йуналишлар бўйича баҳолаш гуруҳлар таркиби **3.4-иловага**;


- “Навоийуран” ДК Лойиҳа офиси томонидан **товарлар, ишлар ва хизматлар** харид қилиш бўйича харид комиссияси аъзолари таркиби **4-иловага** мувофиқ ўзгартирилсин.

2. Корхонада давлат харидини амалга оширувчи масъул ижрочилар шартнома расмийлаштиришдан олдин, харид қийматининг бозор нархларига мувофиқлигини баҳолаш мақсадида **учтадан кам бўлмаган** таққослаш маълумотномасини очик ахборот манбаларидан ёки бошқа ишончли манбалардан фойдалган ҳолда амалга оширсин.

3. Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказишга доир талаблар, давлат харидлари соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги белгилансин.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Бош директорнинг биринчи ўринбосари – бош муҳандис А.Б.Сапаров, Бош директорнинг трансформация ва рақамлаштириш бўйича ўринбосари – Лойиҳа офиси раҳбари Х.Т.Хайдаров ҳамда Таъминот бўйича директор Л.А.Ҳамидов зиммаларига юклатилсин.

Бош директор



Дж.Файзуллаев